

Турмушни яқиндан ўрганиш учун

Ўзбекистон расмлари КПСС XXII съезди қарорларининг бажарилишига бағишланиб Бутуниттifoқ бадиниёв ва «Ўзбекистон индустриал» деган темада ташкил қилинадиган кўргазмаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Республикада расмлари ҳаётида рўй бераётган янгиликларни ўрганиб, улар ҳақида талабчан таъомилларга манзур бўладиган асарлар яратиш учун турли раён ва қишлоқларга иккундан командировкага жўнаб кетдилар.

Расмлардан В. Фадеев, Р. Аҳмедов, О. Татевосьянлар колхозларда ижод қилмоқдалар. Улар колхозларнинг бутунги қиёфаси, янги пахтакорларнинг портретларини чиздилар, шунингдек нефтчилар, шахтёрлар, газ қурилиши ходимлари объектларини яратиш устида ҳам ишлайдилар. Н. Шуринин, Б. Зеликов (Ўзгантепа), расм Бринских эса Бухорога материал тўплаш учун жўнаб кетди.

Шу кунларда расмлар союзининг 30 га яқин аъзоси республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ижод қилмоқда.

А. ПУЛАТОВ.

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газетасида

Биринчи бетда меҳнатшасларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига бағишланган республика кенгаши ҳақида ҳисобот берилган. Бу саҳифада Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Олий ва ўрта махсус таълим Давлат комитетини тузиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинган.

Иккинчи бетда Янгийўл районидан Ленин номи колхозининг раиси О. Кучеровнинг мақоласи босилган. Бу мақолада колхоздаги айрим ишбемас кишиларни коллектив томонидан тарбиялашдаги тажрибалар ҳақида қўзғалинган. Бу бетда «Пропангандист ва агитаторларга ёрдам» рубрикаси остида ҳам мақола берилган.

Учинчи бетдаги материалларнинг ҳаммасини областимизнинг районларидан, шунингдек чет эллардан олинган хабар ва мақолалар эълонланган.

Туртинчи бетда республикамиз пойтахтида янги майдон қурилгани, шифтлоннинг янги нави ва бошқа хабарлар бор.

ҚИРГИЗИСТОНДАН ХАТ



Фоввослардан (чапдан) археолог А. Матненко ва Б. Эюкин кўл мансуб бўлган кўза топиб чиқишди.

Балиқчилик ҳўжаликларида бири бўлган «Янор» колхозини қирғиз денгизининг соҳилига жойлашган. Колхозчиларнинг ўйлари уч томон қоялар билан ўралган водага жойлашган. Уларга ёнма-ён оппоқ чодирлар ўрилатилган. Бу чодирларда Қирғизистон фанлар академиясининг Тарих институтининг археология-этнография отряди аъзолари истиқомат қилдилар.

Ажойиб манзара, — дейди отряд бошлиғи Дмитрий Федорович Винник. — Бундай гузал жойни Исикқулнинг ҳеч қайси соҳилидан топа олмайсиз: шамол майин эсади, сув эса зилол, ақсизгиз кўринади.

Отряд уйқудан кўш билан баравар ўйғонди. Ношуша қилинган, ҳамма ўз ишига берилиб кетди. Тушга қадар соҳилда қизил ишлари олиб борилади. Сув остидаги қидириш ишлари айниқса, қизилари ўтади. Мана, Қирғизистон Давлат университети тарих факультети ва Фрунзе шаҳар Политехника институтини студентларидан иборат отряд аъзолари икки мотор қайиқларга ўтириб кўл бўйлаб сузиб кетдилар.

Шу ерда тўхтаганда, — дейди отряд бошлиғи қайиқ боқарувчиси. Қайиқ тўхтаганда, кўлнинг кўзидики жўнликлар билан тўлган ички ҳўжаликларни қўзғатди. Қайиқ боқарувчиси қўзғатилган кўзидики жўнликлар билан тўлган ички ҳўжаликларни қўзғатди.

Суратда: (чапдан) археолог А. Матненко ва студент М. Абдуманнопов тўплаган материалларни кўздан кечирмоқдалар.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ЛЕКТОР

Коммунист Эринбой Мардонбоев 3 йилдан буён сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи бўлиб, янгийўл шаҳар бўлимида лекторлик қилди.

Меҳнатшасларнинг онгини ошириш, уларни коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялашда агитация-пропаганда, биринчи навбатда кенг омма ўртасида тушунтириш олиб бориш, лекция ва суҳбатлар ўтказиш гўят катта аҳамиятга эгадир. Бунга яқин тушунган ўртоқ Мардонбоев бутун кўч-ғайратини ана шу шарафли ишга сарфламоқда.



Директор ва ўқитувчилар. Лекин шунга қарамай бу сергайрат педагог шаҳар таълимига қизиқиб, лекциялар ўқиб туради. У кўпгина колхоз ва РТСларда бўлади. Бу жойларда лекция ўқиш учун олдиндан лухта тайёрланади. Ўқийдиган лекциясини содда ва тушунарли қилиб тўзади, ҳар бир фактнинг конкрет мисол билан бойитади. У лекция ўқиш учун кишиларнинг махсус жўйга йиғилишлари ёки клубга тўпланишларини кўтиб ўтирмай, кишилар ишлаб турган ерда, кўпгина дала шийонларида ҳозир бўлади. Колхозчиларнинг тушунтириш олиб боришдан фойдаланиб, белгиланган лекция ёни суҳбатини ўтказиб олади. Қайси бригадала суҳбат ўтказадиган бўлса, у аввал ўша бригада иши билан та-

нишади. Кўзга ташланган ютук ва намчиликларни суҳбат давомида ўртага ташлайди. Табиий, бундай қилинганда ўқилган лекция ёни суҳбат таъсирчан, жонли чиқади. У шунини сиқилдилик билан бажараётган ўртоқ Мардонбоев шу кунгача 40 га яқин лекция ўқиди. У КПСС XXII съезди материаллари алоҳида аҳамият бераётган. Яқинда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи бўлиб жамияти Эринбой Мардонбоевнинг хизматларини тақдирлаб уни «Ташаккурнома» билан муқофотлади.

Аҳоли ўртасида лекция ўқишни намунали ўтказиётган камтар ва илчан лектор Эринбой Мардонбоевнинг хизматлари тақдирга сазовордир.

А. ЗАБЛОЦКИЙ.

Бизга ёзадилар

ПРАКТИКА КўНГИЛЛИ УТМОҚДА

Ўрта Осиё давлат университети география факультети гидрология бўлимининг II курс студентлари профессор В. Л. Шульц раҳбарлигида 2200 метр баландликдаги Қизилча гидротестациясида ёлғи практика машғулотларини олиб бормоқдалар. Улар бу ерда тоғ режимлари, ҳаво температураси ва намлиги, ёғин миқдори, сув оқими тезлигини ўрганаётдилар.

А.Раззоқов.

СТУДЕНТЛАР КОЛХОЗ ДАЛАСИДА

Тошкентдаги меҳнат резервлари индустриал техникумининг 400 дан ортиқ студенти Қорасув раёни, Свердлов номи колхозга сабабов ва поля экинларини йиғиштиришда яқиндан ёрдам бераётдилар. Студентлардан Н. Бўтаев, С. Мирзакаримов, Я. Хайдаров ва Ч. Ҳолиқов кабилар кунига 400-500 килограммдан картошка қазинишга эришиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

И. Убайдуллаев.

ЕШ ПАХТАНОРЛАР

Чиноз районидан Крупская номи 9-ўрта мактаб ўқувчилари «Кизил Октябрь» колхозини ажратиб олган 30 гектар пахта майдонида ғайрат билан ишлаб, гўзаларни ўқичи комплекс парвариида чиқариш ва турткичи парвариини қизиқти ёбордилар. Ўқувчилардан Т. Мамаинов, Э. Шерматов, Ф. Хўжаевлар жонболик билан меҳнат қилиб бошқаларга намуна бўлаётдилар.

Ф. Турсунхўжаев.

МЕҲНАТСЕВАР УҚУВЧИЛАР

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номи колхоз даласининг 30 гектар ерига пахта эккан 16-ўрта мактабнинг ўқувчилар бригадаси гўза парвариини агротехника тақдирлари асосида олиб бормоқдалар. Улар парварии қилаётган гўзаларнинг ҳар туپида 8-9 тадан кўсақ, 23-24 тадан шона бор.

Бригада аъзолари гектардан 35 центнер ўрнига 37,5 центнердан пахта ҳосили етиштиришга қарор қилдилар.

О. Қосимов, А. Абдуллаев, Н. Самодов, М. Бадалов.

Желевдор Экранида

- 13 АВГУСТДА
- 19.30. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Биласизми?» деган эшиттириш.
 - 19.50. «Етти йиллик план ҳақида ҳисоблар» циклидан «Янги материаллар» деган эшиттириш.
 - 22.10. Сўнги ахборот.
 - 22.30. Бадий фильм «Денгиз қонуни».
 - 23.00. «Ўзбек адабиятининг классиклари» деган қинда адабий музикали эшиттириш.

лейди Д. Ф. Винник. — чунки Исикқул тўғрисида биз текширган жойларда бунга ўхшаш биюларни учратмадик.

Қадимий Хитой тарихчилари ҳам Исикқул атрофида эрамининг VII асрларда кўчманчи ва ўтқоқ қабилалар яшаганини айтганлар.



Суратда: (чапдан) археолог А. Матненко ва студент М. Абдуманнопов тўплаган материалларни кўздан кечирмоқдалар.

Е. Шестаков фотолари.



Суратда: Хитой Халқ Республикаси Давлат ҳўжаликларида Ян Чэнь-хэ фотоси, Синьхуа агентлиги.

ЖАҲОН ДЕМОКРАТИК ЕШЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИНING V АССАМБЛЕЯСИ ОЧИЛДИ

ПРАГА, 10 август. (ТАСС). Бугун Юлиус Фучик номидаги паркда Жаҳон Демократик ёшлар федерациясининг V ассамблеяси таъинли вазида очилди. Ассамблеянинг иши 16 августга давом этади. V ассамблея 400 дан ортиқ делегат ва кузатувчилар, шу жумладан Совет ёшлари делегацияси қатнашмоқда. Улар жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатидан 85 миллион йилга кизлардан вакил бўлиб келганлар.

Ассамблеяни Жаҳон Демократик ёшлар федерациясининг президенти Б. Берлин кириш нутқи сузлаб очди. У ассамблея тинчлик учун курашда ёшларнинг бундан кейинги вазифаларини муҳоама қилиши лозимлигини таъкидлади.

Жаҳон Демократик ёшлар федерацияси V ассамблеясининг СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга ва АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэрга юборган МАКТУБЛАРИ

ПРАГА, 10 август. (ТАСС). Кундузи мажлисининг бошида раислик қилаувчи М. Вецкер СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга ва АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэрга бир хил мазмуни мактублар қабул қилишни таклиф этади. Мактубларда бундай дейилади:

Жаҳон Демократик ёшлар федерацияси V ассамблеясининг қатнашчилари СССР ва АҚШ ҳукуматлари бошлиқларининг яқин вақт ичда узаро визит қилишлари тўғрисида битимга эришганини қизғин таъкидлайдилар.

93 мамлакатдаги 270 ёшлар ташкилотларининг вакиллари қатнашган, фикрларининг ва фаолият формаларининг жуда хилма-хиллигини акс эттираётган ассамблеямиз тинчлик, миллий мустақиллик ва ёш авлодининг масъулиятини проблемаларини ўз дискуссиясининг диққат марказига қўйди.

Биз ўн миллионлаб йилит ва кизларнинг иродасини ифозалаб, ҳар қандай уруш хавфининг йўқотиш, қуролсизланиш, атом ва термоядро қуроллини тақдир ва йўқ қилиш, тинч-тотув яшашни таъминлаш мақсадида совуқ урушнинг тугатилишини, халқаро кескинликни

УЧ ДАВЛАТНИНГ ЖЕНЕВА КЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА, 10 август. (ТАСС). Ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги уч давлат кенгашининг СССР вакили С. К. Параскин расислигида ўтган навбатдаги, 121-мажлисида кенгаш муҳокамасидан ҳужжатларни муҳоама қилиш давом эттирилди.

СССР вакили катта баландликдаги ядро портлатишларини аниқлаш техника ишчи гуруҳининг докладидан

Вьетнам бўйича Женева битимларининг бузилиши

ПЕКИН, 10 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Ханойдан хабар беришича, Вьетнам Халқ армияси олий кўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамга қузатин ва контроль қилиш Халқаро комиссиясига хат юборган. Бу хатда Туран портида Жанубий Вьетнам ҳарбий базасининг кенгайтирилишига қарши норозилик билдирилди.

Кўшма Штатлар ва нголандияемчилар тўдаси, дейилади хатда, Туран портидаги ҳарбий базани кенгайтириб, уни Жанубий Вьетнамга энг муҳим стратегик базалардан бирига айлантиришлар. Турандаги ҳарбий аэродром зўр бериб ремонт қилинмоқда ва қайтадан усуналмоқда, бу аэродром катта бомбардирчи ва реактив самолётларини қабул қиладиган бўлади. Портнинг фарватери чуқурлаштирилмоқда. Десаит кемаларини ремонт қилиш учун дов қуриляптир.

Жанубий Вьетнам билан Лаос ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим тузилганидан кейин Америка ҳарбий корабллари Жанубий Вьетнамга ва Лаосга Туран порти орқали қуролдор, ўқ-дори ва бошқа ҳарбий материаллар ташиниши қўйлатирилди.

Вьетнам Халқ армияси олий кўмондонлигининг алоқа миссияси Халқаро комиссиядан Женева битимларини қўлол суратда бузаётган Жанубий Вьетнам мамурларининг юқорида кўрсатилган ҳаракатларини тўхтатиш учун тошлович чоралар қўришни талаб қилди.

АҚШ президентининг Европага боришига доир

БОНИ, 10 август. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинишича, АҚШ президенти Эйзенхауэр Лондон ва Парижда қилганидан санога қалар 27 августда Бонига бир кунга келишига қарор қилган. Шу муносабат билан Аленауэр АҚШ президенти билан учрашиш учун Лондонга бормайди. Шундай қилиб, Эйзенхауэр Гарб давлатларининг беш министрлари билан алоҳида-алоҳида, Бонн, Лондон ва Парижда учрашди.

Журналистик доираларга Эйзенхауэрнинг Бонига келишига Эйзенхауэрнинг Н. С. Хрушчев билан бўладиган учрашуви олдиан Гарб давлатлари ҳукумат бошлиқларининг дастлабки кенгашини ўтказиш идеясини ўзил-кесил воқ кенгашининг кўрсатуви далаил деб баҳо берилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очик бўлди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 38, областа эса 37 — 39 даража иссиқ бўлди. Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутлианиб туриши, ёгингарчилик бўлмаглиги кутилди. Тошкентда 38 — 40, областа эса 37 — 40 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ «ТАКОМА» ЗАВЕРИДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРАДА — 12/VIII да Равшан ва Зулхумор, 13/VIII да Фарғона ҳикояси.

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 дан кенг экранли фильм Салпо.

«ЎЗБЕКИСТОН». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН». «УДАРНИК», КАФАНОВ номи — янги киноповесть Шамоладан тез.

«ОКТАБРЬ» — ЧП (Фавқулода ҳодиса) — I серия, ўзбек тилида.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кенг экранли фильм Салпо.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1) Шамоладан тез, 2) Мен ишлайдиган уй.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 8 ва 10 да Телба (I-серия).

Тошкентдаги 2. ЛИВО ЗАВОДИГА пар қозонлари учун қочғарлар, 8-варадий слесларлар, тонарлар, навбатчи электромоторлар, амман установақлари машинистлари, дурадгорлар, сувочиллар, тунуна том ёвуқчилар, ёрдамчи ишчилар.

КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Олмазор кўча, Аллея тупиқ, 162-уй.

«5 ДЕКАБРЬ» АРТЕЛИГА

малакали добельчиқлар ва фрезерчилар

КЕРАК
Адрес: Профсоюз кўча, 54-уй (эрталаб соат 9 дан кундуз 12 гача учрашиши).